



ТАСДИҚЛАНГАН

“Ўзтрансгаз” АЖ
2023 йил 21 февралдаги
Акциядорларининг навбатдан ташқари
умумий йиғилиши қарори билан

Акциядорларининг
2023 йил 21 февралдаги навбатдан
ташқари умумий йиғилишининг
02-23-сон баённомасига
8-Илова

“Ўзтрансгаз” АЖ
Кузатув кенгашининг
Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси
тўғрисидаги
НИЗОМ

ЎЗГАРТИШЛАР РЎЙХАТИ

Тахрир т/р	Ўзгаришлар мазмуни	Тасдиқланди	Жорий қилинди	Хужжатларни бошқариш бўйича масъул шахс имзоси

МУНДАРИЖА

1-боб. Умумий қоидалар.....	4
2-боб. Қўмитанинг вазифа ва функциялари.....	5
3-боб. Қўмитанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	6
4-боб. Қўмита таркиби ва уни шакллантириш тартиби.....	7
5-боб. Қўмита мажлисларини ўтказиш шартлари ва тартиби.....	9
6-боб. Жамият органлари ва бошқа шахслар билан ўзаро ҳамкорлик	11
7-боб. Маълумотларнинг махфийлиги.....	11
8-боб. Яқуний қоидалар.....	11

1-боб. Умумий қоидалар

1. ““Ўзтрансгаз” АЖ Кузатув кенгашининг Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси тўғрисида”ги низом (кейинги ўринларда – Низом) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” 2017 йил 3 январдаги 419-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизимлари - Фойдаланиш бўйича талаблар ва тавсиялар”, “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) устави, “Ўзтрансгаз” АЖ Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низоми ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида” 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармониға мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Жамият Кузатув кенгашининг Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси (кейинги ўринларда – Қўмита) ходимлар орасида ҳамда жамиятда коррупцияга қарши курашиш маданияти даражасини ошириш, Жамиятнинг юқори ахлоқий меъёрларға содиқлигини, ходимлар фаолиятида коррупциявий ҳуқуқбузарликларға муросасизлик ва уларни содир этишға йўл қўймаслик мақсадида тузилган.

3. Қўмита Жамият ва унинг акциядорлари манфаатларида ҳаракат қилади, шу жумладан, Жамият ходимлари билан муносабатларда профессионал, ҳалол ва адолатли хулқ-атвор намунаси бўлиши, қулай иш муҳитини яратиши ҳамда Жамиятда ижобий маънавий-психологик муҳитни шакллантиришға кўмаклашади.

4. Ўз фаолиятида Қўмита Жамият Кузатув кенгаши олдида ҳисобдордир.

5. Қўмита Кузатув кенгашиға ҳисобдор ва Низомға мувофиқ Жамият Кузатув кенгаши томонидан берилган ваколатлар доирасида фаолият юритади.

6. Ўз фаолияти давомида Қўмита Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият устави, ““Ўзтрансгаз” АЖ Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низом, Жамият Кузатув кенгаши қарорлари, ушбу Низом ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига амал қилади.

7. Қўмитани молиялаштириш Кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда Жамият маблағлари ҳисобидан амалға оширилади. Молиялаштириш бюджети Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

2-боб. Қўмитанинг вазифа ва функциялари

8. Қўмитанинг асосий вазифа ва функцияларига қуйидагилар киради:

Жамиятда коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, давлат органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича жаҳонда тан олинган амалиётни ҳисобга олган ҳолда ҳамда Жамият тизимининг белгиланган ички ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш;

Жамиятда очиқлик ва шаффофлик тизимини такомиллаштириш, коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида Жамият ходимлари ва контрагентларини, кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;

Қўмита ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда Жамият фаолиятини ҳалоллик, холислик ва мустақиллик асосида, мустақил назорат қилиш мақсадида фуқаролик жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш;

коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни амалга ошириш натижаларига кўра, Жамият тизимида тўхтовсиз равишда коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлигини ошириш ва доимий равишда такомиллаштириш чораларини кўриш;

Жамият ходимлари билан ўзаро муносабатларда ҳалол бўлиш, уларнинг таклифлари, ғоялари, талаблари ва шикоятларига ўз вақтида жавоб бериш;

фаолиятнинг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатда бўлиш;

камситишга оид сиёсатга йўл қўймаслик ва ходимларга меҳнатга ҳақ тўлаш ва хизмат бўйича кўтарилишида тенг ҳуқуқ ва имкониятларга кафолат бериш;

Жамият ходимлари билан муносабатларини узоқ муддатли ҳамкорлик қилиш, мақсадлар умумийлиги, ўзаро манфаатларни ҳурмат қилиш ва ҳисобга олиш, ижтимоий шериклик асосида ўрнатиш;

Жамиятда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва ҳал қилиш бўйича ўз вақтида бирламчи чораларни кўриш;

Жамиятда коррупцияни олдини олиш, шунингдек, коррупцияга қарши курашишда фаол қатнашадиган ходимларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бўйича чоралар кўриш;

ходимни асоссиз равишда рағбатлантириш ва лавозим бўйича кўтарилишига йўл қўймаслик, шунингдек, ғайриҳуқуқий ҳаракатларга эътибор

бермасликка қарши чоралар кўриш (масалан, ходимлар томонидан ўз фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш учун етарли даражада чоралар кўрилмаслиги);

Жамият ходимларини самарали бошқариш, улар томонидан Жамиятнинг мол-мулки ва молиявий ресурслари билан эҳтиёткор ва тежамкор муносабатда бўлишларини назорат қилиш;

Жамиятда непотизм, фаворитизм, маҳаллийчилик, ҳомийлик, уруғ-аймоқчилик ва бошқа белгиларга кўра ходимларни ёллаш, ротация қилиш, лавозимга тайинлаш, рағбатлантириш ёки жазолаш, шунингдек, уларга бошқача субъектив муносабатда бўлишга йўл қўймаслик;

Меҳнат шартлари ва хизмат туридан келиб чиқиб, ходимнинг ўз хизмат мажбуриятларини бажаришида ташқи кўриниши фуқаролар томонидан Жамиятга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига кўмаклашиши, умумқабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши ҳамда расмийлик, камтарлик, вазминлик ва интизомлиликни таъминлаш.

9. Қўмита ўз ваколатлари доирасида фаолиятини амалга оширишда, Жамият Бошқаруви ва таркибий бўлинмалари билан ҳамкорликда иш олиб боради.

3-боб. Қўмитанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

10. Қўмита аъзолари ҳуқуқлари:

- Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари ва кўрсатмаларининг бажарилишини назорат қилиш ва текширишда иштирок этиш;
- Жамият Бошқарув аъзолари ва таркибий бўлинмалари раҳбарларидан ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни сўраш ва олиш;
- Қўмита бюджети доирасида ташқи экспертлар ва маслаҳатчилар хизматидан фойдаланиш;
- Қўмита мажлисларига ушбу Низомга мувофиқ учинчи шахсларни таклиф қилиш;
- Жамият Кузатув кенгаши муҳокамасига ушбу Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар киритиш;
- Қўмита ваколатларини бажариши учун зарур бўлган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш.

11. Қўмита аъзолари мажбуриятлари:

- Қўмита ишида қатнашиш ва унинг мунтазам равишда ўтказиладиган

барча йиғилишларида иштирок этиш;

- тегишли саноат ва иқтисодиётдаги тенденцияларни, ахборот технологиялари соҳасидаги ва Жамият тараққиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган бошқа соҳалардаги ютуқларни кузатиб бориш;

- расмий вазифаларини бажариш чоғида уларга маълум бўладиган барча маълумотларнинг махфийлигига риоя қилиш;

- Жамият Кузатув кенгашига мустақил аъзо мақомидаги ҳар қандай ўзгаришлар тўғрисида ёки Қўмита томонидан қабул қилинадиган қарорлар билан боғлиқ манфаатлар тўқнашуви юзага келиши тўғрисида ахборот бериш.

4-боб. Қўмита таркиби ва уни шакллантириш тартиби

12. Қўмитанинг миқдорий таркиби – 3 та аъзодан иборат бўлиб, уларнинг камида биттаси, қоида тариқасида Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси ҳисобланади.

13. Қўмитанинг шахсий таркиби жамият Кузатув кенгаши томонидан ўз таркибидан сайланади. Қўмита аъзоларини сайлашда уларнинг олган таълими, касбий тайёргарлиги, Қўмита фаолияти соҳасидаги тажрибаси ва Қўмита аъзолари ўз вазифаларини бажариши учун зарур бўлган бошқа махсус билимлари эътиборга олинishi лозим. Қўмита аъзоларини сайлаш тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

14. Қўмита аъзолари чекланмаган маротаба қайта сайланишлари мумкин.

15. Қўмита аъзоларининг ваколат муддатлари Кузатув кенгаши аъзолари сифатида ўз ваколатлари муддатларига тўғри келади. Қўмита аъзоларининг ваколатлари Кузатув кенгаши янги таркибда сайланган кундан бошлаб тўхтатилади. Қўмитанинг ҳар қандай аъзосининг (барча аъзоларининг) ваколатлари Кузатув кенгаши қарори билан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

Қўмита таркибидаги ўзгаришлар Кузатув кенгаши томонидан исталган вақтда амалга оширилиши мумкин.

16. Қўмита аъзолари Кузатув кенгаши раиси номига ариза ва бир вақтнинг ўзида Қўмита раисига билдиришнома юбориш орқали ўз ваколатларидан истеъфога чиқишлари мумкин.

17. Қўмита аъзосининг ваколатлари ўз хоҳишига кўра истеъфога чиққан бўлса, Жамият Кузатув кенгаши кейинги йиғилишида, лекин Қўмита аъзосини ўз ваколатларидан истеъфога чиқиши тўғрисида ариза берган санадан 1 (бир)

ойдан кечиктирмай, Қўмитанинг янги аъзоси сайланади, бунга қадар Қўмита аъзоси ўз вазифаларини тўлиқ бажаришда давом этади.

18. Қўмита аъзосининг ваколатлари Кузатув кенгаши томонидан бекор қилинса, ваколатлар бекор қилинганидан сўнг 2 (икки) ҳафта ичида Қўмитанинг янги аъзоси сайланади.

19. Қўмитанинг янги аъзоси сайланганидан сўнг, Қўмита раиси бир ҳафта ичида Қўмитанинг янги аъзоси билан учрашади ва уни Қўмита ваколатлари ва ишлари билан таништиради.

20. Қўмита аъзоларига Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган, ҳамда Жамият акциядорлари умумий йиғилишида маъқулланган миқдор ва тартибларда ҳақ тўланади ва/ёки ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлар қопланади.

21. Қўмита раиси Жамият Кузатув кенгаши томонидан тайинланади ва Қўмита ишини ташкил этади.

22. Қўмита раиси:

- Қўмита фаолиятини ташкиллаштиради;
- Қўмита йиғилишларини чақиради ва уларга раислик қилади;
- Қўмита аъзолари ўртасида бурчларни тақсимлайди;
- Кузатув кенгаши мажлислари режасини ҳисобга олган ҳолда жорий давр учун иш режасини ишлаб чиқади;
- Қўмита мажлисларини чақиради, уларга раислик қилади ва йиғилиш баённомасини юритишни ташкил этади;
- Қўмита фаолияти тўғрисида Кузатув кенгаши олдида ҳисобот беради;
- Жамиятнинг ички ҳужжатлари ва ушбу Низомда назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

23. Қўмита раиси Қўмита тавсияларини ўз вақтида Кузатув кенгаши аъзолари эътиборига етказиш, шунингдек, берилган тавсиялар бажарилиши устидан мониторингини олиб боришга жавобгардир.

24. Қўмита раиси вақтинча йўқ бўлганда унинг вазифалари Қўмита аъзоларидан бири томонидан амалга оширилади.

25. Жамиятнинг Комплаенс-назорат бўлими бошлиғи Қўмита котиби ҳисобланади.

26. Қўмита котиби:

- Қўмитанинг йиғилиши баённомаларини юритади ва тузади;

- Қўмита йиғилишларига тайёргарликни (йиғилиш учун материалларни йиғади ва тизимлаштиради, Қўмита аъзолари ва таклиф этилган шахсларга Қўмита йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабарномани ўз вақтида юборади, йиғилиш кун тартибини, кун тартибига кирувчи масалалар бўйича маълумотларни тайёрлайди, Қўмита қарорлари лойиҳаларини тайёрлайди, шунингдек барча тегишли материаллар сақланишини таъминлайди) амалга оширади;

- Қўмита фаолиятини ташкилий ва ахборот билан қўллаб-қувватлашни, Қўмита аъзоларининг Кузатув кенгаши ва Жамият мансабдор шахслари билан ўзаро ҳамкорлиги ва тезкор ишлашини таъминлайди.

5-боб. Қўмита мажлисларини ўтказиш шартлари ва тартиби

27. Қўмита мажлислари Қўмита томонидан тасдиқланган режага мувофиқ, лекин Қўмита аъзоларининг ваколат муддати давомида камида 4 (тўрт) марта ўтказилади. Қўшимча йиғилишлар керак бўлганда чақирилиши мумкин.

28. Қўмита мажлислари Қўмита аъзоларининг биргаликда иштирок этиши ёки сиртқи овоз бериш шаклида ўтказилиши мумкин. Қўмита фақат Қўмита аъзоларининг биргаликдаги иштироки шаклида кўриб чиқилиши керак бўлган масалалар рўйхатини тасдиқлаши мумкин. Ушбу қарор Қўмитанинг барча амалдаги аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

29. Қўмита йиғилишлари Қўмита раиси томонидан унинг ташаббуси билан, Қўмита аъзосининг талабига биноан ёки Жамият Кузатув кенгаши қарори билан чақирилади. Қўмита раиси билан келишилган ҳолда Қўмита котиби Жамият Бошқарув аъзолари илтимосига биноан Қўмита йиғилишини чақириши мумкин. Қўмитанинг навбатдан ташқари йиғилишини чақириш талаби бўлган тақдирда, Қўмита раиси 5 (беш) иш куни мобайнида Қўмитанинг навбатдан ташқари йиғилишини чақириши шарт.

Қўмита йиғилиши, йиғилишда иштирок этувчи барча аъзолар томонидан имзоланган баённома билан расмийлаштирилади.

30. Қўмита йиғилишларига тайёргарлик Қўмита раиси назорати остида Қўмита котиби томонидан амалга оширилади. Қўмита котиби Қўмита аъзоларини зарур маълумотлар билан таъминлайди ва Қўмитанинг барча аъзоларига йиғилиш вақти ва жойини, шунингдек кун тартибидаги ҳар бир масала учун барча зарур материалларни илова қилган ҳолда йиғилиш кунидан 5 (беш) иш кунидан кечиктирмасдан дастлабки хабарномани юборади. Хабарнома Қўмита аъзолари учун қулай бўлган ҳар қандай шаклда амалга оширилади: телефон, факс, одатий ёки электрон почта орқали.

31. Қўмита йиғилишининг кворуми унинг миқдорий таркибининг 2/3 қисмини ташкил этади.

32. Масалаларни ҳал қилишда Қўмитанинг ҳар бир аъзоси бир овозга эга. Қўмита аъзоси томонидан бошқа шахсларга, шу жумладан Қўмитанинг бошқа аъзоларига овоз бериш ҳуқуқини берилишига йўл қўйилмайди.

Қўмитанинг қарорлари йиғилишда иштирок этувчи аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади, ушбу Низомда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

33. Қўмита аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда, йиғилишда раислик қилувчи Қўмита аъзосининг овози ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

34. Қўмита аъзоси йиғилишда иштирок эта олмаса, у муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўз фикрини ёзма шаклда ёки жамиятда умумэътироф этилган электрон ҳужжат айланиш тизими орқали юбориш ҳуқуқига эга. Мазкур фикр Қўмита йиғилишида кўриб чиқилади ва йиғилиш баённомасига қўшиб қўйилади.

35. Қўмита томонидан кўриб чиқиляётган масалаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Қўмита аъзоси бўлмаган шахслар Қўмита мажлисларида фақат Қўмита қарори билан ёки унинг раиси таклифига биноан иштирок этади.

36. Қўмита йиғилишларида Кузатув кенгаши ва Жамият Бошқаруви аъзолари ва бошқа мансабдор шахслари (ҳодимлари) иштирок этиши мумкин. Зарурат бўлса, Қўмитанинг ишига учинчи томон мутахассислари ва маслаҳатчилари вақтинчалик ёки доимий равишда жалб қилиниши мумкин.

Таклиф этилган шахслар Қўмита ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

37. Қўмита раиси Қўмита тавсияларини ўз вақтида Кузатув кенгаши аъзолари эътиборига етказиш, шунингдек, берилган тавсиялар бажарилиши устидан мониторингини олиб боришга жавобгардир.

38. Қўмита фаолияти билан боғлиқ харажатлар Кузатув кенгаши розилиги асосида Жамият маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

39. Қўмита Кузатув кенгашига Қўмита ваколат муддати давомида ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни юборади, бунда ҳисобот Қўмитанинг тегишли давр учун ўз функциялари ва иш натижалари бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

6-боб. Жамият органлари ва бошқа шахслар билан ўзаро ҳамкорлик

40. Қўмита аъзолари ишини самарали ташкил қилиш учун зарур маълумотлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак, бунинг учун, Жамият ижроия органи аъзолари, Жамият Кузатув кенгаши котиби, Жамият таркибий бўлинмалари раҳбарлари, шунингдек Жамиятнинг бошқа ходимлари, Қўмита илтимосига кўра, тегишли вақт ичида ва тартибда Қўмита фаолияти бўйича тўлиқ ва ишончли маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

Ахборот ва ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисидаги сўров Қўмита раиси томонидан имзоланган ёзма шаклда амалга оширилади.

Сўралган маълумотлар ва ҳужжатлар Қўмита котиби орқали Қўмитага тақдим этилади.

41. Зарур ҳолларда Қўмита фаолияти субъектининг айрим масалаларини кўриб чиқиш учун Қўмита ишига зарур касбий билимга эга бўлган мутахассислар ва экспертлар жалб этилиши мумкин. Қўмита ишига эксперт ва мутахассисларни жалб этиш тартиби ва шартлари Жамиятнинг бундай шахслар билан тузган шартномасида белгилаб қўйилади.

7-боб. Маълумотларнинг махфийлиги

42. Қўмита аъзолари ва котиби Қўмита фаолияти давомида уларга маълум бўлган инсайдер ва бошқа махфий маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас ва уларни ошкор этилиши бўйича шахсан жавобгар бўлади. Жамият инсайдери ёки Жамият олдида махфийлик мажбуриятлари билан боғлиқ бўлмаган Қўмита йиғилишларида иштирок этадиган учинчи шахслар олдиндан Жамият билан инсайдерлик ва бошқа махфий маълумотларни ошкор қилмаслик тўғрисидаги битимни имзолашлари шарт.

8-боб. Яқуний қоидалар

43. Ушбу Низом жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.

44. Ушбу Низом, шунингдек унга киритилган барча қўшимча ва ўзгартишлар Жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонининг кўпчилилик овози билан Жамият Кузатув кенгаши қарори билан тасдиқланади.

45. Агар ушбу Низомдаги қоидаларидан бири ўз кучини йўқотган бўлса, бу Низомдаги бошқа қоидаларни тўхтатишга сабаб бўлмайди.

46. Ушбу Низомда тартибга солинмаган барча масалалар Жамият Устави, ““Ўзтрансгаз” АЖ Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низом ва Жамиятнинг бошқа

ички қоидалари ва амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади.

47. Агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ёки Жамият устави билан ушбу Низомда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва Жамият устави қоидалари қўлланилади.

ЖЎНАТМАЛАР РЎЙХАТИ

UTGH 00154269-08:2022	<u>1</u>	_____
Хужжат шифри	Тахрир рақами	Амалга тадбиқ қилиш санаси
Жўнатиладиган ҳужжат номи	“Ўзтрансгаз” АЖ Кузатув кенгашининг Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси тўғрисидаги НИЗОМ	
Т/р	Хужжат жўнатиладиган бўлинма/мансабдор шахснинг номи	
1	“Ўзтрансгаз” АЖ Кузатув кенгаши	
2	“Ўзтрансгаз” АЖ ижроия аппарати департаментлари, мустақил бўлимлари ва хизматлари	
3	“Ўзтрансгаз” АЖ таркибий бўлинма ва ташкилотлари	
4	“Ўзтрансгаз” АЖ таркибий бўлинма ва ташкилотлари бўйсунувидаги бўлимлар, хизматлар, цех ва участкалар	